



УУТ: 663.511:631.531.12.

БИРЛАМЧИ УРУҒЧИЛИҚДА АМАЛДАГИ УСЛУБЛАРНИ ЯНГИ УСЛУБЛАР БИЛАН ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ

Расулов Дилмурод Ибодиллоевич,
Қ.х.ф.ф. доктори, катта илмий ходим.,

Козубаев Шухрат Саттаржанович,
Қ.х.ф.д., профессор.,

Абдурахманова Нодира Данияровна

Пахта селекцияси ва уруғчилиги этиштириши агротехнологиялар илмий тадқиқот
институтути.

E-mail: kozubaev.s@yandex.com

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.17536805>

Аннотатсия. Мақолада туксизлантирилган уруғлик чигитларни уяларга белгиланган миқдорда аниқ ташлаб экиши орқали, янги навларининг морфоҳўжалик ва тола чиқими белгилари бўйича навдорлигини амалдаги услуб билан қиёсий ўрганилган

Калим сўзлар: гўза, уруғлик чигит, элита, бирламчи уруғчилик, оргенал, уруғлик кўчатзор, услуб, кўчат, ўсимлик, якка танлаш.

Аннотация. В статье сравнительно изучена сортовая принадлежность новых сортов по морфо-хозяйственным признакам и выходу волокна, посредством точного посева обезвоженных семян хлопчатника в лунки в установленном количестве, по сравнению с действующим методом.

Ключевые слова: Хлопчатник, ссеменной хлопчатник, элита, оргенал, ссеменной питомник, метод, саженец, растение, индивидуальный отбор.

Abstract. The article presents a comparative study of the varietal characteristics of new cotton varieties based on morpho-agronomic traits and fiber yield, using precise sowing of delinted seeds into holes in a specified quantity, compared to the existing method.

Keywords: cotton, seed cotton, elite, original, seed nursery, method, seedling, plant, individual selection

Қириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Пахтачиликда уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳамда пахта ҳосилдорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2023 йил 15 декабрдаги ПҚ-391-сонли қароиди янги тизим асосида мазкур қарорга кўрсатилган талабларга мувофиқ ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иклим шароитларига мос гўза навлари бўйича бирламчи уруғчиликни ташкил этиш ва жойлаштириш чораларини кўриш вазифаси юклатилган [1]. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишда соҳа олимларини кенг изланишлар олиб боришга ундамоқда.

Элита уруғларини ишлаб чиқариш услубларини ўрганиш, уруғлик



сифатини яхшилаш ва уни назорат қилиш, элита-уруғчилик ишларида қўлланиладиган услубларни тадбиқ этиш ва улардан энг самаралиларини танлаш борасида илмий изланишлар олиб борилган. Ишлаб чиқишда уруғ сарфини камайтириш мақсадида соха олимлари тамонидан турли тажрибалар олиб борилган. Ш.Ибрагимов, А.Бобоназаров, В.Автаномов, А.Алимухамидов, Ш.Намазов, Б.Аллакуллиевлар олиб борган тажрибада тукли чигит елимловчи ва гигроскопик тўлдирувчи билан аралаштирилади, ғўлакланган чигитларни уяларга белгиланган миқдорда аниқ ташлаб экиш орқали оргенал уруғлик чигит сарфланишини гектарига 2-4 баробар камайтириб, оргенал ва элита уруғларини кўпайтириш коэффецентини 2-4 баробар ошишини аниқлашган [2]. Биз ҳам тажрибаларимизда туксиз чигитларни мош уруғлари билан уяларга белгиланган миқдорда аниқ ташлаш орқали илмий изланишларимизни олиб бордик

Тадқиқот объекти - Тадқиқотнинг манбаси бўлиб ПСУЕАИТИнинг олимлари томонидан яратилган янги С-9090, С-4728, С-9091 ва С-6524 нави ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллар. марказий тажриба хўжалигида умумий қабул қилинган Агротехник тадбирлар ҳамда фенологик кузатувлар ЎзПИТИнинг “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” услубий қўлланмаси асосида ҳамда амалдаги “Районлаштирилган ғўза навларининг элита (сара) ва биринчи репродукция уруғларини етиштиришга оид Қўлланмаси” га (1981, 1986 йй) асосан олиб борилди. (Б.А.Доспехов, 1985) математик ишловдан ўтказилди [3] [4].

Илмий ишларни олиб бориш учун ПСУЕАИТИ олимлари томонидан яратилган янги С-9090, С-4728, С-9091, С-6524 ғўза навларидан экиш учун наъмуналар тайёрлаб олиниб, қабул қилинган услуб бўйича уруғлик кўчатзорига 12 метрлик делянкаларда 60x30-1 схемада икки хил усулда жойлаштирилди, биринчи усулда бир дона туксиз чигит билан бир дона мош уруғлари 50 та уядан 8 та қаторга экилди. Иккинчи усулда эса 50 та уядан 4 та қаторга иккитадан туксиз чигит тажриба учун ажратилган майдонга қўлда экилди. Амалдаги услубда эса 12 метрлик делянкаларда битта якка танловни битта қаторга жойлаштирилган. Тажрибамизда иштирок этган янги навларнинг қимматли хўжалик белгилари бўйича назорат вариантыга таққослаганимизда турлича бўлганлигини жадвалларда кўришимиз мумкин.

Ўсимлик бўйи кўрсаткичи бўйича С-6524 нави назоратдан 2,5 см, С-9090 нави 3,7 см, С-4728 нави 1,7 см, С-9091 нави 0,8 см гача паст бўйли бўлишди.



Ўсимликдаги битта кўсак вазнини аниқлаганимизда С-6524 нави назоратга нисбатан 0,2 гр юқори вазнга эга бўлди. С-9090 нави назорат билан бир хил яъни 5,3 гр эканлиги аниқланди. Қолган С-4728 ва С-9091 навлари назоратдан паст оғирликка (0,1 гр) эга бўлишди.

Тола чиқими бўйича С6524 навининг тола чиқими 37,2 % ни ташкил этган ҳолда, назоратга нисбатан (- 0,6 %), С-9090 навининг тола чиқими 36,3 % назоратга нисбатан (- 0,3 %), С-9091 навининг тола чиқими 33,2 %, назоратга нисбатан (-1,1 %) салбий миқдорни кўрсатди. С-4728 нави эса назорат билан бир хил (35,9 %) тола чиқимига эга бўлди.

Туксизлантирилган чигитларни бир дона мош билан экилганда тезпишарлиги, бўйи, бир дона кўсак вазни ва тола чиқими.

№	Навлар	Тезпишарлиги (кун)		Ўсимлик бўйи (см)		Бир дона кўсак вазни (гр)		Тола чиқими, %	
		Назорат	Мош билан Экилганда	Назорат	Мош билан экилганда	Назорат	Мош билан Экилганда	назорат	Мош билан Экилганда
1	С-6524	115	115	111.7	109.1	5.7	5.9	37.8	37.2
2	С-9090	115	114	109.3	105.6	5.3	5.3	36.9	36.3
3	С-4748	111	112	97.5	95.8	5.4	5.3	35.9	35.9
4	С-9091	113	114	110.1	109.3	6.0	5.9	34.3	33.2

Туксизлантирилган чигитларни икки донадан экилган вариантида, ўсимлик бўйи кўрсаткичи бўйича С-6524 нави назоратдан 2,7 см, С-9090 нави 0,9 см, С-4728 нави 13 см, см гача баланд бўйли бўлишди. Тажрибада қолган С-9091 нави назоратдан – 08 см паст бўйли эканлиги аниқланди.

Ўсимликдаги битта кўсак вазнини аниқлаганимизда С-6524 нави 0,4 гр, С-9090 нави 0,7 гр назоратга нисбатан юқори вазнга эга бўлишди. С-4728 нави назорат билан бир хил яъни 5,8 гр эканлиги аниқланди. С-9091 нави назоратдан – 0,1 гр паст оғирликка бўлди.

Туксизлантирилган чигитларни икки донадан экилганда тезпишарлиги, бўйи, бир дона кўсак вазни ва тола чиқими.



**“OROL BO‘YI SHAROITIDA QISHLOQ XO‘JALIK EKINLARI
SELEKSIYASI, URUG‘CHILIGI VA AGROTEKNOLOGIYALARIDA
DOLZARB MUAMMOLAR VA ULARNING INNOVATSION YECHIMLARI”
mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman**



№	Навлар	Тезпишарлиги (кун)		Ўсимлик бўйи (см)		Бир дона кўсак вазни (гр)		Тола чиқими, %	
		Назорат	Икки донадан экилганда	назорат	Икки донадан экилган	Назорат	Икки донадан экилган	назорат	Икки донадан экилган
1	C-6524	112	112	112.3	115.2	5.9	6.2	37.8	37.8
2	C-9090	112	114	108.4	109.3	5.2	5.9	36.9	37.9
3	C-4728	108	108	89.3	102.3	5.9	5.7	36.7	36.1
4	C-9091	114	113	110.7	109.8	5.8	5.8	34.4	34.2

Тола чиқими, бу белги бўйича фақат C-9090 навининг тола чиқими 37,9 % ни ташкил этган ҳолда, назоратга нисбатан 1 % юқори тола чиқимига эришди. C-6524 нави назорат билан бир хил 37,8 % бўлди. Тажрибада қолган навларнинг тола чиқими назоратга нисбатан турлича паст кўрсаткичга эга бўлишди. Жумладан C-4728 навининг тола чиқими 36,1 %, бўлиб, назоратга нисбатан (-0,6 %), C-9091 навининг тола чиқими 34,2 %, бўлиб, назоратга нисбатан (- 0,2 %) салбий миқдорни кўрсатди.

Хулоса: туксизлантирилган чигитларни икки хил услубда назорат варианты билан таққослаб ўрганганимизда бош поя баландлиг, тола чиқими, бир дона кўсакдаги пахта вазни кўрсаткичлари юқори ёки паст бўлганлиги аниқланди. Янги услубларни бирламчи уруғчиликда қўллаш орқали, туксиз чигитларни уяларга белгиланган миқдорда аниқ ташлаб экиб, оргенал уруғлик чигит сарфланишини гектарига 2-4 баробар камайтириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.12.2023 й. ПҚ-391-сон қарори.
2. Ш.Ибрагимов, А.Бобоназаров, В.Автаномов, А.Алимухамидов, Ш.Намазов, Б.Аллакуллиев. “Аниқ экиш учун тукли чигитни дражеллаш (ғўлаклаш) усули”// Материалы международной научно-практической конференции «Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы ее развития» Посвященной 110-летию академика А.И.Автономова, 80-летию академика С.М.Мирахмедова и профессора А.И.Автономова, а также 65-летию доктора сельскохозяйственных наук В.А.Автономова -Ташкент. 2006. Б. 219-220.
3. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент, ЎзПТИ, 2007.46 б.
4. Доспехов Б.А. Методика полевых опытов. –М.,1985.